

**«Микрокредитбанк» АТБ пластик картларини фойдаланишга бериш ва  
уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида**

**ШАРТНОМА**

\_\_\_\_\_ шаҳри

№ \_\_\_\_\_

200 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

«Микрокредитбанк» АТБ номидан Низом асосида иш юритувчи шаҳар (туман) филиали бошқарувчиси \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «Банк» деб номланади) бир томон ва \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «мижоз» деб номланади) иккинчи томон бўлиб қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартноманинг предмети**

- 1.1. Мазкур шартнома Банк томонидан банк пластик картлари орқали ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан Банк билан банк пластик карт эгаси ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солади.

**2. Асосий тушунчалар**

«Пластик карт» Банк томонидан эмиссия қилинган амалда бўлган сўмдаги пластик картни билдиради.

«Пластик карт эгаси» сўмдаги пластик картни вақтинчалик фойдаланиш учун олган ва пластик карт бўйича тўлов операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс эмитент банкнинг мижозидир. Сўмдаги пластик карт банк томонидан пластик карт эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун бериледи ва банкнинг мулки ҳисобланади.

«СМКҚВ» Банкда пластик карт эгаси номига очилган сўмдаги махсус карт ҳисобварағини англатади.

«Шартнома» ушбу шартнома, барча иловалар ва унга қўшимчаларни билдиради.

«Корхона/Ташкилот» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва хизматлар юзасидан пластик картни тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс (дўкон, меҳмонхона, ресторан ва бошқалар)ни англатади.

«Транзакция» пластик карт эгаси томонидан пластик карт ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай тўлов ёки нақд пуллар олиншини билдиради.

«ШИР» пластик карт эгаси томонидан карт воситасида амалга ошириладиган қуйидаги операцияларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш учун мўлжалланган шахсий идентификация рақами (Пластик карт эгасининг электрон имзоси)ни англатади:

- нақд пул маблағларини банкоматлар (картлар бўйича нақд пулларни бериш учун мўлжалланган банк электрон автомат-кассирлар) орқали олиш;
- савдо терминаллари орқали товарлар/хизматлар учун тўловлар;
- карт бўйича маълумот-ахборот олиш;
- масофадаги операцияларни амалга ошириш.

«Тўловларни қайтариш» Банк томонидан белгиланган шаклда Пластик карт эгасининг сўмдаги махсус карт ҳисобварағини кредитлаш учун транзакциялар борасида Корхона/Ташкилот томонидан амалга ошириладиган пул маблағларининг ҳар қандай қайтарилиш маъносини билдиради.

«Банкомат» пластик карт эгасига қуйидагиларни амалга ошириш имконини берувчи электрон қурилма маъносини англатади:

- ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибига касса бўлақларини ва амалга ошириладиган операциялар бўйича тўлов чекларини олиш;
  - ўзининг пластик карти билан агар банкомат «On-line» (реал иш режими)га уланган бўлса қуйидаги асосий операцияларни ўтказиш – кириш паролларини ўзгартириш, пластик карт баланси юзасидан ахборот ва банкдаги ўз ҳисобварағининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш.
- Банк тарифи» Пластик картлар бўйича операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифини билдиради.

**3. Умумий қоидалар**

Мазкур шартнома сўмдаги махсус карт ҳисобварағи, пластик карт ва пластик карт эгасига нисбатан қўлланади ҳамда банк ва пластик карт эгасининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаб беради.

Пластик карт эгаси пластик карт олиш учун Банкда сўмдаги махсус карт ҳисобварағи очиши лозим. Ҳисобварақ очиш пайтида дастлабки гаров суммаси \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

Пластик карт амал қилишининг бутун муддати мобайнида банкнинг мулки саналади ва амал қилиш муддати тугаганида, алмаштириш чоғида, сўмдаги махсус карт ҳисобварағидаги гаров суммаси фаоллаштириш учун ёки банкни талабига кўра у банкка қайтарилиши лозим.

**4. Банкнинг мажбуриятлари**

Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Пластик карт эгаси билан шартнома тузилганидан сўнг сўмдаги махсус карт ҳисобварағини очиш.

Пластик карт эгасининг сўмдаги махсус карт ҳисобварағини пластик карт бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига дебет қилдириш.

Пластик карт эгасининг ҳисоб варағидан транзакциялар бўйича 3 иш куни мобайнида тўловларни олиш ва ҳисобварақ бўйича кўчирмаларда уларни акс эттириш.

Пластик карт эгасининг ёзма аризаси бўйича унинг сўмдаги махсус карт ҳисобварағидан кўчирма олиб бериш.

Пластик карт эгасидан пластик карт йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма ариза олинган тақдирда пластик картдан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш, шунингдек пластик картни қайтариб олиш юзасидан тегишли чораларни кўриш.

Ушбу Шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот бериш.

Банк томонидан пластик карт ҳисобварағи қолдигига ойлик \_\_\_\_\_ фоиз ставкада (йиллик \_\_\_\_\_%) ҳақ тўлаш. Ҳисобланган фоизни ой давомида ҳисоблаб бориш ва кейинги ойнинг биринчи санасида омонат қолдигига қўшиш (капитализация қилиш).

Пластик карт эгасини Тариф ва Банк томонидан қуриладиган чоралар ҳақида таништириш.

**5. Банкнинг ҳуқуқлари**

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Пластик карт эгаси томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда пластик карт эгасига нисбатан Банк томонидан тасдиқланган жарима чораларини қўллаш ҳамда пластик картнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш;

Пластик карт йўқолганда \_\_\_\_\_ сўм миқдорида жарима ундириш;

Қуйидаги шароитларда исталган пайтда пластик картни муомаладан чиқариш:

- бунинг учун пластик карт эгаси томонидан ёзма ариза берилганда;
- пластик карт эгаси томонидан шартнома бузилган тақдирда.

Пластик картни йўқотилган ёки бир йил мобайнида 3 мартадан ортиқ йўқолган пластик карт эгасининг пластик картини тортиб олиш ва унинг сўмдаги махсус карт ҳисобварағини ёпиб қўйиш.

Пластик карт ҳисоб рақами қолдигига тўланадиган фоиз ставкасини бир томонлама белгилаш ва улар бўйича ўзгартириш киритиш.

Пластик картга кўрсатиладиган хизмат учун хизмат ҳақини бир томонлама белгилаш ва улар бўйича ўзгартириш киритиш.

Мижознинг пластик карти орқали нақд пул олишда олинаётган умумий сумманинг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида банк хизмат ҳақи ундирилади.

Мижознинг пластик карт ҳисоб варақларидан нақд пулсиз ўтказмалар учун \_\_\_\_\_ фоиз миқдорида банк хизмат ҳақи ундирилади.

Мижознинг пластик карт ҳисоб рақамига бошқа банк филиалидан маблағ ўтказилганда банк томонидан ўтказилаётган маблағнинг \_\_\_\_\_% миқдорида хизмат ҳақи ундирилади, сўнг қолган сумма мижознинг пластик карт ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

**6. Пластик карт эгасининг мажбуриятлари**

Пластик карт эгаси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Мазкур Шартномага мувофиқ Пластик картдан фойдаланиш.

Пластик карт эгаси пластик картни олиши билан шартномани дарҳол имзолаши лозим. Шундан сўнг Пластик картдан фақат:

- Пластик карт эгаси томонидан фойдаланилиши;

- Пластик картда кўрсатилган муддат мобайнида фойдаланилиши лозим.

Пластик карт эгаси томонидан Шартноманинг бузилиши билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш.

Турар жой ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда дарҳол Банкга ёзма хабар бериш.

Пластик карт йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда дарҳол Банкга ёзма хабар қилиш.

**7. Пластик карт эгасининг ҳуқуқлари**

Пластик карт эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Сўмдаги махсус карт ҳисобварағида мавжуд қолдиқни тўлдириб бориш. Сўмдаги махсус карт ҳисобварағида мавжуд қолдиқни тўлдиришнинг минимал суммаси \_\_\_\_\_ сўм миқдорида белгиланади.

Банкда сўмдаги махсус карт ҳисобварағидан кўчирмани вақт-вақти билан олиш, унда унинг томонидан амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.

**8. Томонларнинг масъулияти**

Пластик карт йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ҳақида пластик карт эгаси банкга ёзма хабар берганидан сўнг 96 соат ўтгандан сўнг учинчи шахс томонидан ундан фойдаланилган ёки пластик карт эгаси унинг ШИН КОДи учинчи шахсга маълум эканлиги тўғрисида шубҳаланаётган бўлса, Банк ҳар қандай молиявий йўқотишлар учун жавобгар бўлади.

Пластик карт эгаси қуйидагилар юзасидан жавобгардир:

Мазкур Шартнома шартлари бузилган тақдирда.

Бошқа шахс томонидан ШИН КОДни очилишига йўл қўйган бўлса, Банк ШИН КОДни очилганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган ва янги ШИН КОД берилиши учун пластик карт эгаси томонидан пластик карт Банкга топширилган пайтга қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан жавобгар бўлади.

Агар пластик карт йўқотилган/ўғирланган бўлса Пластик карт эгаси Банк ёзма равишда хабардор қилинган пайтга қадар ва хабардор қилинганидан сўнг 96 соат мобайнида амалга оширилган барча транзакциялар юзасидан жавобгардир. Пластик карт эгаси Банкга тақдим этилаётган барча ахборотларнинг тўғрилиги учун жавоб беради.

#### 9. Шартноманинг амал қилиш муддати

Мазкур Шартнома \_\_ йил муддатга тузилади. Агар унинг амал қилиш муддати тугашидан камидан 1 ой аввал Шартномани бекор қилишга аҳд қилинаётганлиги тўғрисида бирор – бир томон ёзма равишда хабар бермаган бўлса шартнома автоматик тарзда навбатдаги даврга узайтирилади. Шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда Пластик карт Банк томонидан белгиланган тартибда янги муддатга чиқарилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан агар шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилмаган бўлса Банк сўмдаги махсус карт ҳисобварағини ёпади, сўмдаги махсус карт ҳисобварағида мавжуд пул маблағлари қолдиғи пластик карт эгасига берилади ёки пластик карт эгасининг тегишли ёзма аризаси олинганидан сўнг бир ойдан кечиктирмасдан унинг кўрсатмаси бўйича бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан, агар у узайтирилмаган бўлса, Пластик карт эгаси Пластик картини Банкга қайтариши шарт.

#### 10. Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши

Банк ўзгартиришлар кучга киришидан 1 ой аввал оммавий ахборот воситаларида маълумот бериш орқали мазкур Шартнома шартларини бир томонлама ўзгартириши ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Йўриқномалар Банк томонидан бир томонлама тартибда ишлаб чиқилади ва ўзгартирилади.

#### 11. Шартноманинг бекор қилиниши

Пластик карт эгаси 1 ой аввал ёзма равишда хабардор қилиш орқали исталган пайтда ушбу Шартномани бекор қилиши мумкин. Бу ҳолда Пластик карт эгаси пластик картини Банкга қайтариши лозим.

Банк 1 ой аввал ёзма равишда хабардор қилиш орқали исталган пайтда ушбу Шартномани бекор қилиши мумкин.

Пластик карт эгаси томонидан Шартнома бекор қилинган тақдирда у Шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан ва Шартнома бекор қилингандан сўнг Пластик карт Банкга ўз вақтида қайтарилмаган ҳолатда тўлиқ жавобгар бўлади.

Банк пластик карт эгаси томонидан ушбу Шартнома шартларининг бузилиши натижасида амалга оширилган барча харажатларни Пластик карт эгасидан ундириб олади.

Шартнома фақат қуйидаги шартларда бекор қилиниши мумкин эмас:

- мазкур сўмдаги махсус карт ҳисобварағи учун Пластик карт эгасига берилган Пластик карт Банк Йўриқномаларига мувофиқ қайтарилганда;
- Пластик карт эгаси ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятларини бажарганда;
- Пластик карт эгасининг Банкдан қарзлари мавжуд бўлмаган ҳолларда.

Шартнома бекор қилинган тақдирда сўмдаги махсус карт ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағлари қолдиғи Пластик карт эгасига берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ Пластик карт эгасининг тегишли ёзма аризаси олингани ва Пластик карт эгаси томонидан Пластик карт Банкга қайтарилганидан сўнг 5 банк иш кунидан кечиктирмасдан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

#### 12. Махфийлик

Шартнома тарафлари Шартнома бўйича ахборотларни махфийлиги таъминланиши учун жавобгардирлар.

Банк миқозлар ва Пластик карт эгалари ҳамда улар томонидан пластик картлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни сир сақланишини кафолатлайди.

Миқозлар ва Пластик карт эгалари ҳамда улар томонидан пластик картлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган операциялар тўғрисидаги маълумотлар Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

#### 13. Низоларнинг ҳал этилиши

Томонлар Шартномани бажаришлари жараёнида юзага келадиган барча низоларни музокара йўли билан ҳал этади.

Юзага келган келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда томонлар ўртасида низолар Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик судларида кўриб чиқилади.

#### 14. Форс – мажор ҳолатлар

Шартнома тузилганидан сўнг юзага келган ва уни томон имконият доирасида чоралар билан бартараф эта олмаган (форс мажор) куч оқибатида ушбу Шартнома бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган бўлса томонлар мажбуриятларнинг қисман ёхуд тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари улар бунинг учун ваколатга эга бўлган органлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда форс- мажор ҳолати этиб ҳисобланади.

#### 15. Яқуний қоидалар

Мазкур Шартнома томонлар учун биттадан бир хил юридик кучга эга бўлган, икки асл нусхада тузилади ва у имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради.

Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд Шартнома иштирокчиларининг қуйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

#### 16. Томонларнинг манзиллари

**АТБ «Микрокредитбанк»**

Манзили:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Банк номидан \_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.

Имзо: \_\_\_\_\_  
М.Ў.

**Ф.И.Ш.** \_\_\_\_\_

Манзили:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Шартнома ва Йўриқнома шартлари билан танишдим ҳамда розиман.

Ф.И.Ш.

Имзо: \_\_\_\_\_